



МЕВАЧИЛИКДА ЙЎҚОЛИБ БОРАЁТГАН МАХАЛЛИЙ СЕЛЛЕКЦИЯ НАВЛАРИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ ВА ИМКОНИАТЛАРИ

Курбонов Аҳрор Пўлатжон ўғли
Тўрақулова Нилуфар Мамарайм қизи
Гулистон давлат университети
Zhong Weizhou
Yang Xueji

Yangling Vocational and Technical College
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15211255>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01-Aprel 2025 yil
Ma'qullandi: 07-Aprel 2025 yil
Nashr qilindi: 14-Aprel 2025 yil

KEYWORDS

Халқ селекцияси, мева, узум,
боғдчилик, нав, кўчат, нав
кўрсаткичлари, навларни
сақлаш, кўпайтириш.

ABSTRACT

Мақолада халқ селекциясида топилган бир неча қимматли мева ва узум навлари намуналарининг тавсифлари келтирилган. Ноёб навларни сақлаб қолиш ва кўпайтиришнинг зарурияти ва аҳамияти ёритилган.

Ўрганишлар узоқ тарихли халқ селекциясида табиий танланиб экиб келинаётган мевали дарахт ва ток навлари асосан мамлакатимизнинг тоғ олди минтақаларидаги ерларга тўғри келишини кўрсатди. Боиси юқорида айтиб ўтилган шароитлар тоғ олди худудларида етарли бўлиб аҳолининг нисбатдан зичлиги дехқончилик ва боғдорчилик маданиятнинг шаклланиб боришига қулай муҳитнинг мавжудлигидир.

Дастлаб мевачиликда дарахтларни асосан уруғидан экиб кўпайтириш билан табиий усулда танлаган ва кўпайтирганлар. Бундан ташқари атрофдаги узоқ якин аҳолилар билан савдо, хўжалик ва бошқа ижтимоий алоқалар қилишлари борасида ўзга ерларда курсаткичлари билан номдорга айланган мевалар уруғларини олиб келиб экиб кўпайтирган ҳамда энг яхши кўрсаткичга эгаларини ажратганлар. Октябр инқилоби давригача яратилган катта ер эгалари боғларидаги мевали дарахт ва узум навлари халқ селекцияси усули билан яратилган ва танланган ўрик, олма ва нокнинг бебаҳо навлари топилган [1].

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Тадқиқот объекти сифатида халқ селекциясида танланиб экиб келинаётган мевали дарахтлар ва узум навлари танланди. Қатор йиллардан буён халқ селекцияси усули билан яратилган мевали дарахт ва ток навлари генафондини ўрганиш, ҳамда халқ селекциясида танлашни янада ривожлантириш имкониятлари устида Гулистон давлат университети профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари, академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик ИТИ, ва унинг Самарқанд филиали тадқиқотчилари билан ҳамкорликда изланишлар ва тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўрганишлар давомида халқ селекциясида яратилиб танланган навларнинг қатор афзаллик жиҳатлари мавжудлиги аниқланди: навнинг табиий иқлим шароитидаги ноқулайликлар совуқ, иссиққа, қурғоқчилик ва касалликларга бардошлилиги, меваларнинг озуқавийлик ҳамда фармакологик қийматининг

юқорилиги, бақувват илдиз системасига ва пишиқ тана тузулишига эгалиги серҳосиллиги узок яшовчанлиги, энг асосийси қимматбаҳо хўжалик белгиларига эгалиги. Пишиб етилган мева узумлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар таъмини аниқлашни антисептик усулда ўрганганимизда улардаги характерли кўрсаткичлар селекциянинг бошқа усулларида яратилган намуналарникидан кам эмаслиги, аксиича кўп жиҳатларда юқорилиги маълум бўлди [1]. Жиззах вилоятининг тоғ олди туманларида ўрганилган айрим ўриклар 100 ёшдан (танасининг йуғонлиги 80-90 см, баландлиги 15-17 м) олманинг ёзги навлари 40-50 ёшдан ошганда ҳам сифатли ҳосил бераётганлиги кузатилди. Шу ўринда Ўзбекистон республикасида кўпайтиришга тавсия этилган халқ селекцияси топилмаларидан булган мевали дарахтлар ва ток навлари реестрига киритилган бир неча навларнинг тавсифи баёнини келгириш билан уларнинг эътироф этишга лойиқ жиҳатларидан хабардор бўламиз [2].

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Олма навлари. Қизил тарам олма-Тошкент вилоятида топилган, меваси ўртача ва йирик ўлчамли, вазни 95-175г, айрим йириклари 215г гача, мевасининг кўриниши яrimi яшил-оқ, ярми қизил тарам чизиқли ўта чиройли кўринишли. Таъми ширин сувли ўзига хос хушбўй уфорли, таъм бали 4 балл [3,4]. **Нақш олма-** эрта пишар, серҳосил, меваси ўта ширин, серсув. Мевасининг бир томони оч яшил, иккинчи томони қизил ва қизилга мойил оқ [3,4]. **Нок навлари. Дилафруз нок нави-**дарахтининг бўйи 7-9 м эни 5-6 м серҳосил вояга етган бир туп дарахти 150-300 кг гача ҳосил беради. Мевасининг вазни 150-180г, бўйи 7-8 см, эни 6-7 см. Таъми ўта ширин, ёқимли серсув, эти зич, майин қумоқли. Мевасининг ранги оч яшил, устки томони эса қизил ёки ёрқин тўқ сариққа мойил. Меваси узок вақтга 5-6 ойгача сақланади [3,4]. **Кузги қизил нашвати-**дарахти паст бўйли ярим пакана, бўйи 4,5-5м эни 3,7-4,2м. Мевасининг ранги узиш вақтида яшил-сариқ тусда, ўлчами 7,8х6,5см. Мевасининг таъми ширин, хушбуй уфорли, юқори транспортабелли [3,4]. **Ўрик навлари. Оқ ўрик-**дарахти баланд бўйли, серҳосил, мевасининг ранги оқ-сариқ, ўртача йирикликда, таъми ширин, эрта пишар [3,4]. **Арзоми-**дарахти баланд бўйли серҳосил, меваси йирик (44-55 г) юқори сифатли, эти данагидан яхши ажралади. Қишки ва эрта баҳорги совуқларга бардошли. Транспортабеллиги юқори, 7-8 кунгача сифатли сақлаш мумкин [3,4]. **Қандак-** маҳаллий туршакбоп серҳосил нав. Мевалари майда, юмалоқ шаклда, вазни 20-25 г, ўлчами 33х33х31 мм. Таъми ширин, таркибида шакар миқдори 17% гача. Мевасидан кампот, консерва, энг характерлиси 35% гача сифатли қуритилган маҳсулот олиш мумкин [3,4]. **Мирсанжали-**серҳосил юқори сифатли туршакбоп нав. Дархти ўрта бўйли, узок яшовчи (70-150 йилгача). Мевасининг ўлчами ўртача-38х30х29 мм, вазни 25-30 г, таъми ўртача ширин. Асосан қуритилган маҳсулотлар- 30-32% туршак, 24-27% курага ва жуда юқори таъмли кампот тайёрлаш мумкин.

Нимранг (катта узум)- ўртача кеч пишар сентябр ойининг иккинчи ярмида тўлиқ пишиб етилади. Агротехник талаблар асосида тўғри парваришланганда ҳосилдорлиги 28-30 т/га етади. Узум бошлари ўртача 600 г, йирик бошлари 1-1.5 кг гача боради. Узум доналари йирик 22-25 мм, оқ-сариқ тусли, эти тигиз ширин ўзига хос таъмли териси пишиқ. Таркибида шакар миқдори 21-23 % . Энг асосий характерли хусусиятлари юқори транспортабеллиги ва узумининг узок вақтгача сифатли сақланиши [5,6]. **Соҳиби-**халқ селекциясига тегишли Марказий Осиё хўраки нави. Ҳосилдорлиги ўртача

ва ундан юқори, узум бошлари ўртача баъзан йирик, сентябр ойида тўлиқ пишиб етилади. Таркибидаги шакар миқдори 22% мевасининг ранги пушти баъзан барқутранг қизил. Асосан янги узилган ҳолда истеъмол қилинади. Халқ орасида мевасининг чиройли ранги ва бетакрор хуш таъми учун юқори қадрланади [5,6]. Табиий танлаш билан навларни ажратиш олиш тарихи минг йилликларни ўз ичига олсада, бироқ бунда топиб бугунги кунгача сақланган навлардан кўра йуқотилганлари кўпдир. Чунки мевачиликда пайвандлаш билан саралаш усули қўлланила бошлагунга қадар кўплаб мевали дарахт турларида яратилган алоҳида нав уруғидан кўпайтирилганда ўзида мавжуд қимматли хусусиятларга эга бўлган нав юзага келмай, кўпроқ аҳамиятсиз навлар, айрим ҳоллардагина аввалгидан кўра ноёброқ биронта нав чиқиб қолиши кузатилади. Олиб борилган ўрганишлар шуни кўрсатдики ўртача 80-100 туп мевали дарахтдан бир дона атрофида аҳамиятли нав юзага келиши мумкин экан. Мевачилик селекциясида сунъий йўл билан навлар топиш ва танлаш ўзлаштирилгандан бошлаб халқ селекциясида навлар яратиш ҳамда мавжудларини сақлаб кўпайтиришга бўлган эътибор кескин сусайиб кетди. Мазкур ҳолатни мевали дарахтлар навшунослиги фондининг катта йуқотиши деб баҳолаш мумкин.

Хулоса

Олиб борилган тадқиқотлар ва урганишлар юзасидан хулоса қилиб қуйидагиларни амалий таклифлар ўрнида келтирамиз:

- худудларда сақланиб келаётган халқ селекциясида яратилган мевали дарахт ва ток навларини мутахассислар томонидан атрофлича ўрганилиб, энг юқори сифат кўрсаткичларга эгаларини аниқлаш;
- республикаимизнинг барча худудларида биринчи навбатда тоғ олди минтақаларида сақланиб келаётган халқ селекцияси йўли билан топилган ноёб сифатларга эга мевали дарахтлар ва узум навларини пайвандлаб сараланган кўчатларини кўпайтириш ҳамда улардан она боғлар яратиш;
- халқ селекциясида яратилган ноёб мевали дарахтлар ва узум навларини кўпайтириш ҳамда сақлаш ҳудудий махсус питомникларини барпо этиш;
- махсус питомникларда сифатли мевали дарахт уруғларидан кўчатлар етиштириб, улардан пайвандсиз ҳолда 2х2 ёки 2х3 м схемадаги зичлаштириб экилган махсус боғлар яратиш ҳосилга киргунча парваришlash ва улар орасидан энг юқори сифат кўрсаткичларга эга бўлганларини ажратиш ўрганишни йўлга қўйиш, олинган натижалар асосида танланган навларни нав синаш стансиясига атрофлича ўрганиш учун тавсия этиш;
- қўшни республикаларда сақланиб қолган халқ селекциясига мансуб мевали дарахтлар ва узум навлари намуналарини ўрганиш мақсадида илмий экспедиция ташкил этиш ва аниқланган номдор навларни Ўзбекистан республикасининг мос туманларида кўпайтиришни йўлга қўйиш;

Адабиётлар рўйхати:

1. Мева ва узум маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашда илғор агротехнологиялардан самарали фойдаланишдаги муаммо ва ечимлар. РИА мақолалари тўплами. Тошкент 2016 й
2. Рыбаков А.А., Острахова С.А. Мевачилик ва узумчилик Т 1964 й
3. Помология Узбекистана .М.Мирзаев изд."Узбекистан"- 1983 г.

4. Саимназаров Ю.Б ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган мева-узум навларининг КАТАЛОГИ. Тошкент 2018 й
5. Ампилография Узбекистана. М.Мирзаев изд."Узбекистан"- 1983 г.
6. Ш.Темуров. Узумчилик Т. "Узбекистон миллий энциклопедияси" 2005 й

